3 «11»2022 yil 272-5-76-XT/2022-son

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 2

Учкудук туман. 2022 йил "03" ноябр

Кейинги ўринларда."Буюртмачи" деб юритиладиган ***Учқудуқ туман Халқ таълими бўлими*** **Низом** асосида иш кўрувчи ***Ж.Халилов*** бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган **"GARANT UCHQUDUQ" МЧЖ** номидан **Устав** асосида иш кўрувчи ***Ф.Муратов*** иккинчи томондан бошқарма балансидаги ***Учқудуқ туман Мингбулок»ОФЙдаги 11-мактаб футбол майдонини жорий таъмирлаш*** ишлари бўйича куйидаги шартномани туздилар.

## I. ТАРИФЛАР

1.Бажариладиган курилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдикланганлиги тугрисидаги далолатномалар хамда курилиш нормалари ва коидаларида назарда тутилган бошка хужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдикланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

**курилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб кўйилади ёки бош режага мувофик белгиланадиган бошка белгилар билан белгилаб кўйилади;

**вактинчалик иншоотлар** - Пудратчи томонидан курилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар кандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар;

**беркитиладиган ишлар** сифати ва аниклигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниклаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**шартнома нархини бўлиб чикиш** - ишларнинг хар бир боскичи ва ёки турлари кийматини аник белгилаган холда шартнома бўйича объектнинг умумий кийматини боскичларга таксимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.Пудратчи мазкур шартнома шартларига ***Учқудуқ туман «Мингбулок» ОФЙдаги 11-мактаб футбол майдонини жорий таъмирлаш*** ишлари лойихасида кўзда тутилган холда куриш бўйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига курилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни кабул килиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ

3.Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси натижасида аникланган ва тендер комиссиясининг карори (2022 йил 31 октябрдаги №168698-сон баённома)билан тасдикланган ишлар киймати барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда жорий нархларда ***280136770 (Икки юз саксон миллион бир юз ўттиз олти минг етти юз етмиш)*** сўмни ташкил этади.

4. Ишлар киймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик кайта кўриб чикилиши мумкин эмас, куйидаги холлар бундан мустасно:

курилиш кийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

ишлар хажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди( қонунда кузда тутилган холлар бундан мустасно);

объектнинг курилиши бир йилдан ортикка ўзгартирилганда.

5. Курилиш муддати бир йилдан ортик бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага кўшимча битим билан расмийлаштирилади.

## IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва/ёки жалб килинган кучлар билан бажариш хамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

Шартномага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

курилиш майдони худудида вактинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўгрисида хабардор килиш;

курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вактида атроф мухитни, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини мухофаза килиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

курилиш майдони кўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлик мулкий жавоб беради.

## V. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофик ишларни бажариш учун яроkли бўлган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чикиш ва карор кабул килиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур бўлган ижро хужжатлари рўйхатини такдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

## VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

10. Шартнома: миллий валюта "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВга конвертация килган холда миллий валютада "сўмда" ўзаро хисоб-китоб килинганда - шартнома конун хужжатларига мувофик рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

11. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

12. Танлов савдолари натижаси бўйича аникланган курилишнинг давом этиш вакти ишлар бошланган кундан эътиборан беш кунни ташкил этади.

13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## VII.ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг *30 (%)* фоизи микдорида аванс ўтказади, бу 84 041 031 *(Саксон тўрт миллион қирқ бир минг ўттиз бир)* сўмни ташкил этади.

15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс берилгандан сунг, кейинги тулов “Бажарилган ишлар” далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

16. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукини ўзида саклаб колади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектнинг тасодифий йўк килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

17. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор килиш ҳукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳак тўлашдан озод килинмайди.

## VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

18. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

Г9. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-курилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

20. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

21. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вактда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўкларининг мувофиклиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

23. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

24. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нукталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

25. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофик бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдикловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошка ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

26. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига караб уларни кабул килиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитекткурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор килади.

27. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳакда хабардор килинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор килинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган кисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

28. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва курилиш

кийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши окибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

29. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чикариб ташлайди.

30. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг кабул килиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вактида етказиб берилмаслиги билан боғлик тўхтаб колишлар, курилиш техникасининг ишдан чикиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир килиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён килади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

31. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар кисман ёки тўлик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай кисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга мутаносиб равишда узайтирилади.

32. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг окибатлари бир ойдан кўп вактга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

33. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор килинишини талаб килишга ҳаклидир.

## X. КАФОЛАТЛАР

34. Пудратчи: барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиҳа ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, коидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан курилиш учун кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиклигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш коидаларига мувофиклигини кафолатлайди.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

35. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган такдирда, уларни текшириб чикиш "Даварxитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат килишини истисно этмайди.

## XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР КИЛИШ

36. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вактга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортик муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва коидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати ҫасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

конун ҳужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.

37. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлик бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб кўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

конун ҳужжатларига мувофик бошка асослар бўйича шартноманинг бекор килинишини талаб килиш ҳукукига эга.

38. Шартнома бекор килинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма карорига кўра тугалланмаган курилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар кийматини Пудратчига тўлайди.

39. Мазкур шартномани бекор килишга карор килган томон мазкур бўлим коидасига мувофик иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

40. Шартнома бекор килинган такдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

41. Шартноманинг бир томонлама бекор килинишига йўл кўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

42. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган такдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни коплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошка конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошкача жавобгарликка тортилади.

43. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя килмаганлиги, ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошка мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,2 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

44. Шартномага мувофик бажарилган ишлар ҳажмини тасдиклашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиклашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.2 фоизи микдорида жарима тўлайди.

45. Пудратчи объектни ўз вактида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0.5 фоизи микдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 1 фоизи микдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

46. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш ҳужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Даврхитектқурилишназорат" инспекциясининг хулосаси асосида объектни кабул килиш ва унинг учун ҳак тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 0.3 фоизи микдорида жарима ундириш ҳукукига эга.

47. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташкари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошка томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўкотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

48. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошкача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

## XIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

49. Шартномани бажаришда ва бекор килишда шунингдек етказилган зарарларни коплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан кўриб чикилади.

## XIV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

50. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

51. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташкари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга бўлмайди.

52.Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳакикий ҳисобланади.

53.Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чикмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар кандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиклаши керак.

54. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин курилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни колдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи курилиш майдонини озод килиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечиктиришга ҳаклидир.

55.Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошка барча ҳоллар учун амалдаги конун ҳужжатлари нормалари кўлланилади.

56.Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

57.Шартнома имзоланиб Ғазначиликдан руйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради ва амал қилиш муддати “31” декабр 2022 йилгача ҳисобланади.

## XV. Тарафларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича маъсулияти.

58. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

59. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

60. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жиноятга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

61. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад етадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларидан пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

62. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

63. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир етилганда ушбу ҳаракат содир етилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор етилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

## XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

| **ПУДРАТЧИ** | **БУЮРТМАЧИ** |
|---|---|
| ***"GARANT UCHQUDUQ" МЧЖ*** | ***Учқудуқ туман Халқ таълими бўлими*** |
| ***Юридик манзилгох:А.Темур 34 уй*** | ***Юридик манзилгох:Х.Дўстлиги кучаси 41-уй*** |
| ***Х\р: 20208000700460641001*** | ***Х\р:100022860122487092100075039*** |
| | ***ИНН: 200011108*** |
| ***Банк номи:АЖ Ўзмиллийбанк Учқудуқ филиали*** | ***Банк номи:Марказий Банк Тош. шХККМ*** |
| ***Банк коди: (МФО): 00880*** | ***Банк коди (МФО): 00014*** |
| | ***Учқудуқ туман Газначилик бўлими*** |
| | ***ЯҒХ: 2340 2000 3001 0000 1010*** |
| ***ИНН: 303314319*** | ***ИНН 201 122 919*** |
| ***ХХТУТ: 61110*** | ***ХХТУТ:00001*** |
| ***Рахбар: Ф.Муротов*** ______ | ***Рахбар: Ж.Халилов*** ______ |
| ***(ф.и.о.)*** ***(имзо)*** | ***(ф.и.о.)*** ***(имзо)*** |
| ***М.Ў*** | ***М.Ў*** |

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAVOIY VILOYATI UCHQUDUQ TUMANI MCHJ "GARANT UCHQUDUQ"

| | | |
|---|---|---|
| | Hujjat **elektron raqamli imzo** orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun **QR Code** ni skanerlang. | |
| | Imzolovchi F.I.SH. | JAMSHID XALILOV ABDUMAJIDOVICH |
| | Imzolangan sana | 03.11.2022 17:09 |
| | Hujjat kodi | **QV6106330417** |
| | Hulosa kodi | **DF6030487772** |

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

DF6030487772

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **PUDRAT ShARTNOMASI**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Uchkuduk tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan 03.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uchquduq tuman yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**I.I.ODILOV**

03.11.2022

# Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 168698 на приобретение Учқудуқ туман «Мингбулок» ОФЙдаги 11-мактаб футбол майдонини жорий таъмирлаш учун

Способ проведения электронный

Дата 31.10.2022

Время рассмотрения 31.10.2022 17:58

Закупочная комиссия Учкудук туман Халк таълими булими, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XALILOV JAMSHID ABDUMAJIDOVICH | Бўлим мудири | Учқудуқ Халқ таълими бўлими |
| **Секретарь комиссии** | MUPTULLAYEVA GULZIRA BERIKBAYEVNA | Давлат харидлари ва шартномалар бўйича мутахассис | Учқудуқ туман Халқ таълими бўлими |
| **Член комиссии** | PULATOV HALIM HAMIDOVICH | Бош бухгалтер | Учқудуқ Халқ таълими бўлими |
| **Член комиссии** | SAYFULLOYEV FAZLIDDIN RAJABOVICH | Бош мухандиси | Халқ таълими бўлими |
| **Член комиссии** | Bersigurova Gulmira Bazarbekovna | Товар моддий қийматликлар бўйича хисобчи | Учқудуқ Халқ ьаълими бўлими |
| **Член комиссии** | SHAMURATOV MUSLIM ALMURATOVICH | Бош мутахасис | Учкудук ХТБ |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 31.10.2022 года № лота 168698.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 180

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Услуги по текущему ремонту сооружений** |
|---|---|
| Подробное описание | Учқудуқ туман «Мингбулок» ОФЙдаги 11-мактаб футбол майдонини жорий таъмирлаш учун |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 293 199 136.00 |
| Стартовая сумма | 293 199 136.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва пудратчи уставидан нусхаларидан кўчирма.

Тип: Текстовое значение

Описание: Давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва пудратчи уставидан нусхаларидан кўчирма.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OPEN-QURULISH | 30 | Давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва пудратчи уставидан нусхаларидан кўчирма. | 30 | Экспертная | | |
| Ishonch- Feruz X k | 30 | Давлат руйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома ва пудратчи уставидан нусхаларидан кўчирма. | 30 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 30 | Барча хужжатлар тақдим этилмоқда | 30 | Экспертная | | |

Критерий №2 Махсус техникалари мавжудлиги тўғрисида маълумот (Агар техника ижарага олинган бўлса шартномалар нусхасидан кўчирма).

Тип: Текстовое значение

Описание: Махсус техникалари мавжудлиги тўғрисида маълумот (Агар техника ижарага олинган бўлса шартномалар нусхасидан кўчирма).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OPEN-QURULISH | 30 | Махсус техникалари мавжудлиги тўғрисида маълумот (Агар техника ижарага олинган бўлса шартномалар нусхасидан кўчирма). | 25 | Экспертная | | |
| Ishonch- Feruz X k | 30 | Махсус техникалар ва омбордаги моддий бойликлар тугрисида расмлар ва маълумотлар | 25 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 30 | Махсус техникаларимиз мавжуд ва кушимча ижара асосида техникалар жалб килинган | 30 | Экспертная | | |

Критерий №3 Қурилиш вазирлигининг махсус парталидаги пудратчи ташкилот рейтинги тўғрисида маълумот ва ишни бажариш учун рейтинг талаби категория булиши лозим бўлиши лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Қурилиш вазирлигининг махсус парталидаги пудратчи ташкилот рейтинги тўғрисида маълумот ва ишни бажариш учун рейтинг талаби категория булиши лозим бўлиши лозим.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OPEN-QURULISH | 30 | Қурилиш вазирлигининг махсус парталидаги пудратчи ташкилот рейтинги тўғрисида маълумот ва ишни бажариш учун рейтинг талаби категория булиши лозим бўлиши лозим. | 20 | Экспертная | | |
| Ishonch- Feruz X k | 30 | Қурилиш вазирлигининг махсус парталидаги пудратчи ташкилот рейтинги тўғрисида маълумот ва ишни бажариш учун рейтинг категорияси ССС | 30 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 30 | Рейтингда "С"да | 30 | Экспертная | | |

Критерий №4 Ишчи кучи тўғрисида маълумотлар (малакали мутахассислар мавжудлиги тўғрисида).

Тип: Текстовое значение

Описание: Ишчи кучи тўғрисида маълумотлар (малакали мутахассислар мавжудлиги тўғрисида).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OPEN-QURULISH | 30 | Ишчи кучи тўғрисида маълумотлар (малакали мутахассислар мавжудлиги тўғрисида). | 25 | Экспертная | | |
| Ishonch- Feruz X k | 30 | Ишчи кучи тўғрисида маълумотлар (малакали мутахассислар мавжудлиги тўғрисида). | 20 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 30 | Барча хужжатлар такдим этилмокда | 30 | Экспертная | | |

Критерий №5 Бажариладиган ишлар физик хажми маълумот, бажариладиган ишларга ҳамда эълонда кўрсатилган смета хужжатларига мос равишда бўлиш лозим.

Тип: Текстовое значение

Описание: Бажариладиган ишлар физик хажми маълумот, бажариладиган ишларга ҳамда эълонда кўрсатилган смета хужжатларига мос равишда бўлиш лозим.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OPEN- | 30 | Бажариладиган ишлар | 20 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| QURULISH | | физик хажми маълумот, бажариладиган ишларга ҳамда эълонда кўрсатилган смета хужжатларига мос равишда бўлиш лозим. | | | | |
| Ishonch- Feruz X k | 30 | Бажариладиган ишлар физик хажми маълумот, бажариладиган ишларга ҳамда эълонда кўрсатилган смета хужжатларига мос равишда ва лойха чизмалари билан бирга | 25 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 30 | 280136770 сўмга физ.оъём топширилмокда | 30 | Экспертная | | |

Критерий №6 Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусхасидан кўчирма.

Тип: Текстовое значение

Описание: Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусхасидан кўчирма.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OPEN-QURULISH | 30 | Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусхасидан кўчирма. | 30 | Экспертная | | |
| Ishonch- Feruz X k | 30 | Олдин бажарилган ишларидан шартномалар нусхасидан кўчирма. | 30 | Экспертная | | |
| ООО GARANT UCHQUDUQ | 30 | Барча хужжатлар тақдим этилмокда | 30 | Экспертная | | |

Критерий №7 Учкудук туманга солик туловчи бўлиши лозим. Солиқ тўловларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги ва қайси тур солиқ (айланма ёки ҚҚС) тўловчиси тўғрисидаги маълумот.

Тип: Текстовое значение

Описание: Учкудук туманга солик туловчи бўлиши лозим. Солиқ тўловларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги ва қайси тур солиқ (айланма ёки ҚҚС) тўловчиси тўғрисидаги маълумот.

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| ООО OPEN-QURULISH | 30 | Учкудук туманга солик туловчи бўлиши лозим. Солиқ | 30 | Экспертная | | |

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | тўловларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги ва қайси тур солиқ (айланма ёки ҚҚС) тўловчиси тўғрисидаги маълумот. | | | | |
| **Ishonch- Feruz X k** | 30 | Учкудук туманга солик туловчи бўлиши лозим. Солиқ тўловларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисидаги ва қайси тур солиқ (айланма ёки ҚҚС) тўловчиси тўғрисидаги маълумот. | 30 | Экспертная | | |
| **ООО GARANT UCHQUDUQ** | 30 | Қарздорлик мавжуд эмас,барча хужжатлар тақдим этилмокда | 30 | Экспертная | | |

Критерий №8 Кафолат хати (бажариладиган ишлар сифатига энг камида бир йил муддатга кафолат бериш тўғрисида).

Тип: Текстовое значение

Описание: Кафолат хати (бажариладиган ишлар сифатига энг камида бир йил муддатга кафолат бериш тўғрисида).

Обязательность: Критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО OPEN-QURULISH** | 30 | Кафолат хати (бажариладиган ишлар сифатига энг камида бир йил муддатга кафолат бериш тўғрисида). | 30 | Экспертная | | |
| **Ishonch- Feruz X k** | 30 | Кафолат хати (бажариладиган ишлар сифатига энг камида бир йил муддатга кафолат бериш тўғрисида). | 30 | Экспертная | | |
| **ООО GARANT UCHQUDUQ** | 30 | Кафолат хати илова килинмокда 1 йилга кафолат берилади. | 30 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ishonch- Feruz X k** | 293 199 136.00 | 290 318 090.00 UZS | 290 318 090.00 | 00.00 | 290 318 090.00 | 27.10.2022 23:38:13 | 6.57899 |
| **ООО OPEN-QURULISH** | 293 199 136.00 | 191 000 000.00 UZS | 191 000 000.00 | 00.00 | 191 000 000.00 | 27.10.2022 22:34:35 | 10 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **ООО GARANT UCHQUDUQ** | 293 199 136.00 | 280 136 770.00 UZS | 280 136 770.00 | 00.00 | 280 136 770.00 | 28.10.2022 11:14:06 | 6.8181 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **Ishonch- Feruz X k** | 82.5003 | 6.57899 | 89.07929 |
| **ООО OPEN-QURULISH** | 78.75 | 10 | 88.75 |
| **ООО GARANT UCHQUDUQ** | 90 | 6.8181 | 96.8181 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 168698 от 31.10.2022 года на приобретение Учқудуқ туман «Мингбулок» ОФЙдаги 11-мактаб футбол майдонини жорий таъмирлаш учун определила победителем:

ООО GARANT UCHQUDUQ
303314319

и резервный исполнитель: Ishonch- Feruz X k (300943052)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | XALILOV JAMSHID ABDUMAJIDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | PULATOV HALIM HAMIDOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | SAYFULLOYEV FAZLIDDIN RAJABOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | Bersigurova Gulmira Bazarbekovna | Согласен | |
| **Член комиссии** | SHAMURATOV MUSLIM ALMURATOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

# XALQ DEPUTATLARI NAVOIY VILOYATI KENGASHI

# Q A R O R I

210100, Navoiy sh., IslomKarimovsh.k 77 A, tel: (79) 229-62-80, e-mail: navoi@exat.uz, info@navoi.uz

2022 - yil 29 - avgust VI-37-117-5-0-K/22 Navoiy viloyat hokimligi

## Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил ижроси давомида шакллантирилган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 27, 126-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 8 апрелдаги "Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджетининг, вилоятлар вилоят бюджетларининг, Тошкент шаҳри шаҳар бюджетининг, туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг қўшимча манбаларини аниқлаш ва улардан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида"ги КҚ-331-IV-сонли қарорига мувофиқ, бюджет ташкилотлари, бюджетдан маблағ олувчи ташкилот ва муассасаларнинг мурожаатларидаги тадбирларни маблағ билан таъминлаш мақсадида, вилоят ҳокимлигининг вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадларнинг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан йўналтириш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқиб, халқ депутатлари вилоят Кенгаши

## ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарор ва фармойишларида, Ҳукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инфратузилма объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган тадбирлар учун

вилоят маҳаллий бюджетининг 2-чорак даромадларнинг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан иловага мувофиқ маблағ ажратилсин.

2. Халқ депутатлари вилоят кенгаши котибияти (Ж.Ҳамраев) вилоят маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ ажратилган бюджет ташкилотлари ва бюджетдан маблағ олувчиларнинг ажратилган маблағлардан самарали фойдаланилиши ҳамда эришилган натижалар тўғрисидаги ҳисоботларини халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияларида эшитиб борилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2022 йил 8 апрелдаги КҚ-331-IV-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 13-бандига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимлари фавқулодда вазиятларда ва шунга ўхшаш кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўрилиши талаб этиладиган ҳолларда ишлатилган маблағлар тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жуқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашларига ҳисобот бериш шарти билан қўшимча маблағларни (электрон савдо майдончасида ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни сотишдан махсус ғазна ҳисобрақамларига ҳақиқатда тушган тушумлар бундан мустасно) йўналтириш бўйича қарорлар қабул қилиши мумкинлиги белгилаб қўйилганлиги инобатга олинсин.

4. Вилоят давлат солиқ бошқармаси (А.Ботиралиев) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда 2022 йил учун Навоий вилояти маҳаллий бюджети даромадлари прогнозини ҳудудлар кесимида бажарилишини таъминласин.

5. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича доимий комиссиялари бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш тавсия этилсин.

6. Бюджет ташкилотлари ва муассасалари ҳамда бюджетдан маблағ олувчилар ажратилган маблағдан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминласин.

7. Вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси мазкур қарор билан

Xalq deputatlari Navoiy viloyat
Kengashining
2022 yil 29 avgustdagi
VI-37-117-5-0-K/22-son qaroriga
1-ilova

## Вилоят маҳаллий бюджетининг 2022 йил 2-чорак даромадларнинг режадан орттирилиб бажарилган қисми ҳисобидан йўналтирилган маблағлар

| т/р | Ташкилот ва муассаса номи | Мақсади | Йўналтири-ладиган маблағлар *(млн.сўмда)* |
|---|---|---|---|
| 1 | Вилоят ҳокимлигига | "Аёллар дафтари" жамғармасига | 500,0 |
| 2 | Вилоят ҳокимлигига | "Саховат ва кўмак" жамғармасига | 300,0 |
| 3 | "Минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати" ДУК | Хатирчи тумани "Истиқлол" МФЙ Кўксарой сойидан қабристон ҳудудига ўтиш жойига кўприк қуриш харажатлари учун | 360,0 |
| 4 | Навоий шаҳар ҳокимлигига | Сектор раҳбарларининг тавсияси ва таклифларига асосан шаҳар кўчалари инфратузилмасини яхшилаш, болалар майдончалари барпо этиш ҳамда ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш харажатлари учун *(Манзилли дастур асосида)* | 2 000,0 |
| 5 | Учқудуқ туман тиббиёт бирлашмасига | Вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 25 июлдаги 53/22-сонли йиғилиш баёнига асосан туман тиббиёт бирлашмасига замонавий гемолитик анализатор аппарати сотиб олиш ҳамда калл таҳлили учун қўшимча хона тайёрлаш харажатлари учун | 100,0 |
| 6 | Учқудуқ тумани Халқ таълими бўлимига | Вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 25 июлдаги 53/22-сонли йиғилиш баёнига асосан "Мингбулоқ" ОФЙ ҳудудидаги 11-сонли умумтаълим мактабига сунъий қопламали спорт майдончаси қуриш харажатлари учун | 300,0 |
| 7 | Томди тумани Мактабгача таълим бўлимига | Вилоят ҳокимлигининг 2022 йил 25 июлдаги 32/22-сонли йиғилиш баёнига асосан "Дамас" русумли махсус автотранспорт воситаси сотиб олиш харажатлари учун | 90,0 |
| **ЖАМИ** | | | **3 650,0** |

ажратилган маблағларни амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқ мақсадли ва самарали фойдаланилишини назорат қилсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари в.б Т.Атамурадов ва халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси зиммасига юклатилсин.

**Кенгаш раиси** **Н.Турсунов**